O'ZBEKISTON
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 8-FEVRAL ■ SHANBA ■ 16 (27.036) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги порлоқ

*Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом авлодни вояга етказишга катта эътибор берилмоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларидан иборат уч босқичли узлуксиз тизим яратилгани, Президентимиз Фармонига биноан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилгани фикримизнинг далилидир.*

*7 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлиси бўлди.*

*Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти, мазкур Кенгаш Раиси Ислом Каримов бошқарди.*

*Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари қатнашди.*

*Жамғарма фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлагановнинг ахбороти тингланди.*

*Бугунгача барча вилоятларда жамғарманинг минтақавий филиаллари ва уларнинг ҳомийлик кенгашлари тузилди. Эндиги асосий масала намунавий лойиҳалар асосида болалар учун мўлжалланган спорт иншоотлари қуришдан иборат. Жамғарма ҳисоб рақамига маблағлар келиб туша бошлади.*

*Давлатимиз раҳбари ушбу масала юзасидан ўз фикрини билдирар экан, мамлакатимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилгани эзгу мақсадларни амалга оширишга қаратилган катта ҳаракатнинг бошланиши эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунинг учун ҳам бу борада шошма-шошарлик билан енгил-елпи, пала-партиш иш юритиб бўлмайди.*

*Болаларга мўлжалланган спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари тайёрлангани яхши. Лекин бу мажмуаларни бунёд этишга киришишдан олдин, уларни қаерда, қандай шаклда, қайси спорт турларига мўлжаллаш тўғрироқ бўлишини чуқур таҳлил қилиш зарур. Ҳозир спортнинг халқаро миқёсда тан олинган 97 тури бўлса, Ўзбекистон шароитида уларнинг қайсиларига алоҳида эътибор бериш ва ривожлантириш яхши самара беришига ойдинлик киритиб олиш керак.*

*Ислом Каримов мутасадди раҳбарларнинг диққатини болалар спортини ривожлантиришни катта спорт соҳасида қилинаётган ишлар билан аралаштириб юбормаслик жуда муҳимлигига, режалаштирилаётган қурилишлар, аввало, қишлоқ жойларидан, мамлакатимизнинг чекка-чекка ҳудудларидан бошланиши лозимлигига қаратди. Зеро, юртимизнинг қишлоқ ва овулларидаги болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароит етарли даражада эмас. Бир пайтлар қурилган ўрта таълим муассасаларининг спорт майдончалари ҳам замон талабига жавоб бермайди.*

*Мавжуд аҳволни чуқур ўрганиш, бошланғич синф ўқувчиларини спортнинг қайси турлари билан шуғуллантирганимиз маъқул, деган саволга жавоб топишимиз лозим, деди давлатимиз раҳбари. Чунки бугун кўрилаётган масала шунчаки спортни ривожлантириш эмас, миллат келажаги, юртнинг эртаси билан бевосита боғлиқ. Болаларда жисмоний тарбияга меҳр, интилиш уйғотиш, уларни спортнинг сеҳрли оламига олиб кириш ҳар биримизнинг кундалик вазифамиз бўлиб қолиши керак. Мана шу жиҳатга эътибор қаратмай туриб, соғлом миллат, соғлом жамият ҳақида гапириш қийин.*

*Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро талабларга жавоб берадиган кўплаб коллеж ва лицейлар барпо этилди. Улар замонавий спорт мажмуига эга. Хўш, катта маблағ эвазига бунёд этилган бундай масканлар рисоладагидек ишлатяптими? Ахир улар хўжакўрсинга қурилгани йўқ-ку. Ислом Каримов қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган болаларга ушбу мажмуалардан фойдаланиш имкониятини яратиш зарурлигини уқтирди.*

*Навоий вилоятини чўл зонасида жойлашган, сув танқис минтақалар сирасига киритамиз. Лекин мамлакат сув спорти заҳираси айнан ана шу вилоятда. Демак, астойдил ҳаракат қилиш ва интилиш орқали ҳар қандай маррани эгаллаш мумкин. Шу ўринда, Навоий кон-металлургия комбинатининг спортни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссасини айтиб ўтиш жоиз.*

*Ҳар қандай муаммога мантиқий нуқтаи назардан ёндашмай туриб, ечим топиш мушкул. Жумладан, ўзбек қизларини спортга жалб этишдан олдин, масаланинг нозик жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш лозим. Аввало, спортнинг ҳамма тури ҳам халқимизга, айниқса, иффатли ва иболи қизларимизга тўғри келавермайди. Қизларимизни спортнинг қайсидир тури билан шуғулланишини истасак, иқлим шароитимизга ва менталитетимизга мос спорт кийимлари яратишимиз керак.*

*Спортчи қизларимизни шундай кийинтирайликки, уларни кўрган бошқа болаларда ҳам бундай бежирим кийимларни кийишга, спорт билан шуғулланишга иштиёқ туғилсин. Бу хусусда «Ўзбекенгилсаноат» компанияси мутасаддилари бош қотириши, ўз таклифларини бериши лозим.*

*Мустақиллик йилларида вояга етган ёшларнинг халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари ҳаммамизни қувонтиради. Юртимиз фарзандларининг ўтган қисқа вақт ичида турли даражадаги беллашувларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганидан фахрланса арзийди. Шунинг учун болалар спортини ривожлантиришни катта спорт билан аралаштирмаслик лозим, деган гапга бу соҳага эътибор камайиши сифатида қараш ноўриндир. Катта спорт ўз йўлида давом этаверади. Халқаро мусобақаларга болалар спортини ривожлантириш орқали чиқсак, ҳам миллат соғлом бўлади, ҳам чемпионларимиз сони янада кўпаяди.*

*Ватанимиз обрўсини оширадиган, халқимиз қалбида ифтихор туйғусини ўстирадиган, дунёнинг энг машҳур спортчилари билан тенглашадиган ёшларимиз ҳақида гапирмоқдамиз. Халқимиз орасида юрт шуҳрати, миллат шаънини кўкларга кўтара оладиган истеъдод эгалари бисёр. Фақат уларга етарли шароит яратиш, вақтида кашф қила билиш керак. Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом, кучли, бақувват, мард ва жасур қилиб тарбиялашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда спортнинг аҳамияти бениҳоя катта.*

*Спорт ёш авлод маънавий камолотининг ҳам гаровидир. У орқали жамоага ҳурмат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бир-бирининг ютуғидан қувониш орқали ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари инсоний фазилатлар айнан болаликда, спорт воситасида осон шаклланиши мумкинлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Болаларга ватанпарварлик, халқпарварлик ҳақида узундан-узоқ маъруза ўқигандан кўра, бу юксак туйғуларни жисмоний тарбия ва спорт орқали уларнинг қалбига сингдириш кўпроқ наф келтиради.*

*Мактабларда ўтилаётган жисмоний тарбия дарсларининг савиясини ошириш ҳам долзарб масалалардан биридир. Давлатимиз раҳбари ушу пайтгача жисмоний тарбия фани бўйича бирор дарслик, бирон қўлланма ёки суратли альбомлар нашр этилмаганини қайд этди. Матбуот ва ахборот агентлигига тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ана шу йўналишдаги фаолиятни кучайтириш тавсия этилди.*

*Мажлисда мактаб ва маҳалла алоқасини, ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, оилавий мусобақалар ташкил этиш муҳимлигига эътибор қаратилди. Ота-она ҳеч бўлмаса шанба-якшанба кунлари ўз фарзандларини олиб стадионга борса, ўзи ёқтирган спорт билан шуғулланса, шу куни ўша оилага нур ёғилгандек бўлади, деди Ислом Каримов. «Маҳалла» жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари Наврўз байрамига бағишлаб спортчи оилалар мусобақаларини ташкил этса, мақсадга мувофиқ бўларди.*

*Мажлисда жойларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ҳокимлари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари ахборот берди.*

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА мухбири**

✧✧✧

**Суратларда:**
мажлисдан лавҳалар.
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

---

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида

**Маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

*1. «Обод маҳалла йили» дастури тасдиқлансин.*

*Мазкур дастур:*

*маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги роли ва мақомини янада мустаҳкамлашга;*

*маҳалла фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга, унинг ваколатларини кенгайтиришга ва фуқаролик жамияти институти сифатидаги масъулиятини оширишга;*

*маҳалла фаолиятининг моддий базасини мустаҳкамлашга, маҳалла ҳудудида тадбиркорликни, хизматлар кўрсатиш ва савдо соҳаларини ривожлантиришга, шулар ҳисобига янги иш ўринлари барпо этишга;*

*маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, унинг ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришга, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлашга, коммунал тармоқларни ривожлантиришга;*

*маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдамни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга;*

*кекса авлодга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга;*

*маҳалла аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатилишини яхшилашга, болалар спортини ривожлантиришга;*

*маҳалланинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ миллий қадрият ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилсин.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш тўғрисида таклиф киритсинлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этганлик учун давлат божининг бир қисмини ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ва бошқа тушумларни мазкур жамғармаларни маблағ билан таъминлаш манбалари этиб белгиласинлар.*

*3. «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.*

**(Давоми 2-бетда.)**

---

## Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги қарорига

## ШАРҲ

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Юртбошимиз томонидан 2003 йил мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди.*

*Президент Фармойиши билан «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси тузилди. Мазкур комиссия давлат, нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари, шунингдек, маҳаллалар вакилларини кенг жалб этган ҳолда маҳаллаларимиздаги мавжуд муаммолар, қилиниши лозим бўлган ишларни атрофлича ўрганиб, йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.*

*Мазкур Дастур етти йўналишдаги ҳаётий муҳим масалаларни ўз ичига қамраган. Улар қаторига, жумладан:*

*маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;*

*маҳалланинг моддий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;*

*маҳаллаларда тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва савдони, кичик бизнес соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини барпо этиш;*

*маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар ва коммунал тармоқларни яроқли ҳолатда сақланишини таъминлаш;*

**(Давоми 2-бетда.)**

---

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### Ғ. Қ. Тишаевни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинлаш тўғрисида

*Ғофуржон Қодирович Тишаев Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинлансин.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2003 йил 7 февраль*

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### М. И. Ўтагановни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

*Маҳмуджон Иноятович Ўтаганов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси вазифасидан озод қилинсин.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2003 йил 7 февраль*

---

● ЭРТАГА — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

## Буюк мутафаккир, адабиётимизнинг фахри ва саодати

*Асрлардан асрларга, наслларда наслларга оша халқлар дилида барҳаёт бўлиш — улуғ зотларгагина насиб этади. Катта ҳақиқат ва ўлмас халқ даҳосини ўзида мустажоб этган ва доимо шу ҳақиқат, шу халқ билан бирга бўлган, эл-улуснинг эзгу умидларию орзу-ниятларини ифодалаган буюк шахсларгина асрлар ва насллар қалбидан чуқур жой олади.*

*Бузруквор мутафаккир Мир Алишер Навоий ана шундай табаррук сиймолардан эди.*

*Шоир тараннум этган илғор ва ҳаётбахш ғоялар бадиийлиги* **қалб** *бўлди. Бу шундай қудратли ва жозибали қалбки, уни замонларнинг на тўфонлари, на бўронлари тўхтата олди. Чунки, у шундай бир бебаҳо ва боқий хазинаки, ҳеч қачон, ҳеч ким унинг қаърига, сир-асрорига ета олмаса керак.*

*Қарангки, буни буюк мутафаккир ўз ижоди мисолида бундай деганди:*

***Халққа зеби тарак айла ани,***
***Ўқуғонга муборак айла ани.***
***Етти афлокни анга ёр эт,***
***Етти иқлимни анга харидор эт.***

*Сўз ичра жаҳонгир шоирнинг бу орзуси Мустақиллик йилларида амалга ошди! Миннатдор авлодлар таъзим ва ташаккур билан асран узоқ, аммо қалбан яқин замондош — буюк ва суюк зотни улуғлаб, ҳурматини, иззатини, азиз хотирасини жойига қўйди.*

***«Ўзбекистон истиқлолга эришган 1991 йилни «Навоий йили» деб эълон қилганмиз,*** *— деган эди мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2001 йилнинг августида Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросимда. —* ***Ўша унутилмас кунларда бобомиз руҳини шод этиш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкентда ул зотнинг табаррук номида миллий боғ барпо этиб, унинг тўрида шоирга муаззам ҳайкал ўрнатганимиз бу борадаги хайрли ишларимизнинг дебочаси бўлган эди.»***

*Бугун нафақат Шарқда, хорижда ҳам улуғ Инсон — Ҳазрат Навоий билан аталган кўчалар, майдонлар борлиги ва улар янгидан бунёд этилаётганлиги, шеърхонлик-навоийхонлик кечалари ўтказилаётганлиги унинг жаҳон адабиётидаги ўрнини, нуфузини яққол кўрсатиб турибди. Москвада Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросими жаҳон адабиёти учун бамисли катта байрамга айлангани, Киевда марказий кўчалардан бири Ҳазратнинг муборак номи билан юритилаётгани ва барча туркий мамлакатларда унинг номи ҳар кун, ҳар соат тилга олиниши — ўзбек адабиёти учун ҳам фахр, ҳам саодатдир.*

**Алишер НАВОИЙ**

**Қатлима тиғ ўлғаликим чарх иши озордур,**
**Мавжи ашким аксидин пўлоди жавҳардордур.**

**Кўк тегирмон тоши айландурмақ истар бошима,**
**Дема ою ғул бошим узра буким сайёрдур.**

**Ишқ даштида қуюн эрмаски, мен девонаға**
**Дашт аро саргашталик хаттин сизар паргордур.**

**Дарди тоғида чоқинлар дема, де ўтлук каманд**
**Ким, солурда бўйнума чарх илгидин сакрордур.**

**Раҳм қил, гардунки, бир дилхастамен, мақдур эмас,**
**Чекмаки гар меҳнату бедод бу миқдордур.**

**Эй хушо, хумхонаким, қилғаннинг анда тарки хуш,**
**Кўз хумидин ҳар неким келгай, фарон бордур.**

**Мунча дарду ғуссадин махлас топар ер истасанг,**
**Эй Навоий, билки, ул ер кабаи хаммордур.**

✧✧✧

**Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,**
**Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.**
**Ҳар неники севмак ондин ортиқ бўлмас,**
**Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.**

3-БЕТ

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

# «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида манфаатдор идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, «Обод маҳалла йили» дастурининг қандай бажарилаётганини муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриб борсин;

йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича дастур топшириқларининг ҳисобот даврида бажарилиши натижалари тўғрисида чорақдан кейинги ойнинг 7-санасигача Республика комиссиясига таҳлилий ахборотни тақдим этсин.

5. «Маҳалла» хайрия жамғармаси Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда тўй-маърака ва бошқа маросимларни анъаналаримизга хос тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Республика комиссиясига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситаларига «Обод маҳалла йили» дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг маъно-моҳияти ва аҳамиятини кенг тушунтириш, уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни холис ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2003 йил 7 февраль*

## Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги қарорига

# ШАРҲ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдам кўрсатиш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш;

кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш;

маҳаллалар аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, болалар спортини ривожлантириш;

маънавий-ахлоқий тарбия масалаларида маҳалла фаоллигини ошириш вазифалари киради.

«Обод маҳалла йили» дастури доирасида:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш махсус жамғармаларини ташкил этиш;

кам таъминланган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг рўзғор хўжалигини йўлга қўйиб олишига кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари ва турли жамғармаларнинг кредитларини кенг жалб этиш;

кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, жумладан, 950 та маиший хизмат шохобчаларни ташкил этиш орқали 160 минг янги иш ўринлари яратиш;

республикадаги 433 маҳаллада 2,6 минг км. газ тармоқларини барпо этиш, 436 маҳаллада эса 1720 км. сув қувурлари ётқизиш орқали аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан доимий таъминлаш;

12500 минг кв.м. уй-жой фондини мукаммал таъмирлаш ҳисобига маҳалла аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш, 500 маҳалладаги 1000 км.дан ортиқ йўлни таъмирлаш, асфальтлаш ва ободонлаштириш, замонавий маҳалла гузарларини барпо этиш;

ҳар йили 20 минг нафаргача фахрийларимизнинг санаторий ва шифохоналарда соғлиқларини тиклаш;

муҳтож кексалар ва ногиронларни протез-ортопедия буюмлари, аравачалар, эшитиш ва кўриш мосламалари билан имтиёзли таъминлаш;

узоқ қишлоқ ва овулларда яшайдиган аҳолини тиббий-ижтимоий потранаж хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш;

маҳаллалардаги 16 ёшгача бўлган болаларни барча давлат спорт иншоотларига бепул қатнашига имконият яратиш сингари кўплаб муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Юртбошимиз томонидан кўп маротаба эътибор қаратилаётган муҳим маънавий-маърифий масалалар: анъанавий удумлар, тўй ва маъракалар ҳамда бошқа маросимларни тежамкорлик билан ўтказиш бўйича маҳалла фаоллари, имом-хатиблар, маданият ходимлари, хотин-қизлар қўмиталарига тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

«Обод маҳалла йили» дастурини тўла амалга ошириш учун 375,9 миллиард сўм маблағ, шу жумладан, 169,5 миллиард сўм давлат бюджети ҳамда корхоналар, бюджетдан ташқари жамғармалар, нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар грантлари ва кредит маблағлари жалб этилиши мўлжалланган.

Дастурнинг ҳаётга тўла татбиқ этилиши ва юқоридаги олижаноб мақсадларга эришиш эса мутасадди ташкилотлар, идоралар, маҳалла фаоллари ҳамда кенг аҳолининг яқин ҳамкорликда фаолият юритишига чамбарчас боғлиқдир.

# Республика Бош прокуратурасида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳайъат мажлиси кун тартибида қўйилган республика прокуратураси органларининг мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 2002 йилдаги фаолияти якунлари муҳокама этилди.

Ҳайъат мажлисида Бош прокуратуранинг масъул ходимлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг жойлардаги бошқармалари бошлиқлари қатнашдилар.

Мажлисда 2002 йил мобайнида амалга оширилган муайян ижобий ишлар билан бир қаторда қонунлар ижроси устидан назоратнинг айрим соҳаларида йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштириб келинган бўлсада, кўзланган натижага эришилмагани оқибатида республика бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий сони 3,9 фоизга ошган. Айни пайтда дастлабки тергов ва суриштирув устидан назорат кучайтирилгани боис, бу борадаги кўрсаткичлар, шу жумладан жиноятлар туфайли етказилган моддий зарарни қоплаш масалаларида бирмунча ижобий натижаларга эришилгани қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказаётган «хуфиёна иқтисод» соҳасидаги жиноятларга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслигига алоҳида эътибор қаратилди.

Республика Бош прокурори Р.Ҳ.Қодиров фаолиятда йўл қўйилган хато ва камчиликлар хусусида тўхталиб, уларни бартараф этиш ҳамда прокуратура органларининг келгусидаги вазифалари борасида кўрсатмалар берди.

Бош прокуратуранинг тегишли тармоқ раҳбарлари жойлардаги прокурорлар билан биргаликда прокурор назоратининг барча соҳаларида мавжуд камчиликларни яна бир бор таҳлил қилиб, вазиятни яхшилашга қаратилган тегишли тадбирлар ишлаб чиқишлари, қуйи прокуратураларга нисбатан талабчанликни кучайтиришлари топширилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот маркази**

## Театр кунлари бошланди

Жиззах вилоятидаги шаҳар ва туманларда театр кунлари бошланди.

Режага мувофиқ Ю. Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театри ҳамда Мирзачўл туманидаги қозоқ миллий театри вилоятнинг барча туманларида бўлади.

Обод маҳалла йилига бағишланган ушбу тадбир ҳозиргача Арнасой, Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор ва Зарбдор туманларида бўлиб ўтди.

Вилоят мусиқали драма театри ижодкорлари мухлисларга Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», Х.Ҳусановнинг «Ўлдинг, азиз бўлдинг» ва бошқа шу каби саҳна асарларини намойиш этдилар.

**Ғани СОДИҚОВ**

## ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ТАДБИРЛАР

■ **Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши**да ўтган партия фаоллари йиғилишида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш, уларнинг «Обод маҳалла йили» тадбирларидаги иштироки масалалари муҳокама этилди.

■ **Чортоқ туман партия кенгаши** ташаббуси билан ўтказилган семинар партия ташкилотлари ва маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланди.

■ **ХДП Кегейли туман кенгаши**нинг пленуми бўлиб ўтди. Унда туман кенгаши биринчи котиби Е.Хожанов партия ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

■ **Шаҳрихон тумани**даги Чужа, Қалъача, Ўрта Шаҳрихон қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудий партия ташкилотларининг умумий йиғилишлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларда мамлакатимизда парламент ислоҳоти бошланиши муносабати билан партия ташкилотларининг вазифалари масаласи муҳокама қилинди ҳамда «Обод маҳалла йили»да амалга ошириладиган ишлар режаси белгилаб олинди.

■ **Нукус**да ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» маркази, Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги ҳамкорлигида «Қонун устуворлиги — фуқаролик жамияти барпо этиш асоси» мавзуида анжуман ўтказилди. Унда партия кенгаши биринчи котиби А.Асанов, Адлия вазири ўринбосари К.Аллашова ва бошқалар қабул қилинган янги қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси тўғрисидаги конституциявий қонунлар ва уларнинг аҳамияти, икки палатали парламентнинг афзалликлари ҳақида маърузалар қилдилар.

■ **Нукус шаҳар, Тахтакўпир туман партия кенгашлари**да ўтказилган семинар-кенгашлар ҳам ана шу мавзуга бағишланди.

■ **Зарбдор туман партия кенгаши** томонидан Олий Мажлиснинг X сессиясида қабул қилинган қонунларнинг жойларда ўрганилишини ташкил қилиш мақсадида меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда олиб борилаётган тушунтириш ишларининг навбатдагиси «Бўстон» шаҳарча фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Тадбирда «Бўстон» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси К.Абдураззоқов, ХДП туман кенгаши биринчи котиби А.Ўскановлар янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб бердилар.

■ **ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши**, Қорақалпоғистон Касаба уюшмалари кенгаши, «Нуроний» жамғармаси ва «Камолот» ЁИҲ Қорақалпоғистон Республика бўлимлари Қорақалпоғистон халқига Мурожаатнома қабул қилдилар. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясидаги «Қорақалпоқ диёрининг салоҳиятини рўёбга чиқариш, одамлар ҳаётини янада яхшилаш — долзарб вазифа» номли нутқида олға сурилган ғояларни амалга оширишда республиканинг ҳар бир фуқароси қатнашишга даъват этилди. Шунингдек, Мурожаатномада ЎзХДП Экологик дастурида баён этилган муаммоларнинг ҳал этилиши ҳам атроф-муҳит тозалигини сақлаш ва инсонлар саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим эканлиги қайд этилди.

ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

# Попнинг оппоқ тонглари

Фарғона водийсининг дарвозаси ҳисобланган Поп кенгликларида яратиш ишқида ёнаётган лафзи ҳалол, орзулари осмон, умидлари улуғ, руҳи тетик юртдошларимиз эзгулик элчилари янглиғ ўзгаришлар, аср қурилишлари бошида турибдилар.

Туманда ўзбек шаҳарсозлигининг такрорланмас дурдоналари яратилган. Шаҳар марказидаги маданият саройи замонавий меъморчилик талаблари асосида қайта таъмирланган. Бу ерда аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. 3000 ўринга мўлжалланган Ёшлар маркази эса шаҳарнинг энг гавжум жойларидан бири ҳисобланади. Бу масканда ёшларимиз турли тадбирлар ўтказадилар, мусобақалар, танловлар, мушоиралар, баҳслар марказ фаолиятининг асосига киради. Поп шаҳрида 7 та фаввора қуриб битказилган. Улардан отилаётган шаффофлик руҳиятингизга куч, қалбингизга эзгулик олиб киради. Фавворалар бугун бутун мамлакатимиз шаҳарларида қурилмоқда. Айниқса, Попда бунёд этилганлари кишини ҳайратга солади. Фавворалар жойлашган майдонга икки юздан ортиқ ёритиш чироқлари ўрнатилган. Ёз ойларида бу жой ҳақиқий сайилгоҳга айланади.

Поп шаҳридаги Ҳазрати Боб, Ойбек, Шомозор кўчаларида турли мавзулардаги республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётини акс эттирувчи паннолар ўрнатилган. Кенг ва равон йўллар узра ҳаракатланаётганлар баҳри дили очилади. Ва юртимиздаги улкан ўзгаришлар ҳақида ажиб таассуротга эга бўладилар. Шаҳардаги С. Раҳимов, Ўзбекистон кўчалари кенгайтирилиб, Ҳазрати Боб кўчаси ҳамда тумандаги Фарғона халқа йўлининг Пунгон-Наманган участкаси 30-38 км.лари замонавий талабларга мос равишда қайта таъмирланди.

Туманда Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонини кенг жорий қилиш йўлида ҳам муҳим ишлар бошланиб кетди. Барча мактаблар, коллежлар ҳамда маҳаллаларда мавжуд спорт майдонларини таъмирлаш, баъзи жойларда қайтадан қуриш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Марказий «Дўстлик» ўйингоҳи тўлиқ янгиланиб, спорт анжомлари ўрнатилди.

Тиббиётдаги ислоҳотларга ҳамоҳанг, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Санг қишлоғининг Темирйўл усти маҳалласида 42 миллион сўм маблағ сарфланиб, 50 ўринга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Янгиобод ва Хонобод қишлоқларидаги врачлик амбулаториялари ички имкониятлар ҳисобига КВПга айлантирилди. Шунингдек, 100 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган иккита, 50 ўринли битта шифохона ишга туширилди. Аҳоли саломатлигини яхшилаш мақсадида республика «Шошилинч тиббий ёрдам» марказининг туман бўлими фойдаланишга топширилиш арафасида.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларини бажариш юзасидан бошланган ишлар яхши натижалар бермоқда. Туманда жами бешта касб-ҳунар коллежлари мавжуд бўлиб, жумладан Ғурумсарой қишлоғидаги 600 ўринли қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи қурилишига 635 миллион сўм маблағ сарфланган. Шунингдек, яқинда Поп маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ишга туширилди.

Биз мустабид тузумдан мерос қолган таълимнинг моҳиятсиз томонларидан тобора узоқлашмоқдамиз. Бугун лицей ва коллежларимизда мамлакат умиди, миллат таянчи бўлган ёшларимиз улғаймоқда. Президентимиз **«Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилдириши лозим»**, деган эдилар.

Бугунги Поп улкан изланишлар, имкониятлар ҳудудига айланмоқда. Бу ерда қўшма ва ўнлаб саноат корхоналари фаолият кўрсатиб, мамлакат иқтисодиётига ўз улушларини қўшмоқдалар. Улкан сув иншоотлари қурилишлари давом этмоқда.

**Фарруҳ ҲАМРОЕВ,**
**Маҳмуджон ПАРПИЕВ**

**Навоий шаҳри бағрида яна бир замонавий муҳташам бино қад кўтарди. Шаҳарнинг Ғалаба шоҳ кўчасида бунёд топган бу бинога «Ипак йўли» акционерлик инновация тижорат банкининг Навоий филиали жамоаси кўчиб ўтди. Янги мажмуада банк ходимларининг унумли ишлашлари ва мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит муҳайё.**

**Суратларда:** банк жамоасининг янги бинодаги иш фаолиятидан лавҳалар.

*Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар*

ЛУҚМА

# «Унутилган» дўппи воқеаси

## ЁХУД «ҚИСТИР-ҚИСТИР»НИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Ҳазорасп тумани қишлоқларидан бирида тўйдамиз. Давра хийла катта. Уй эгаси — бели бақувват тадбиркор борини дастурхонга тўккан. Яна «рақобатдош»ларидан ортда қолмаслик учун артистнинг ҳам машҳурини таклиф қилган. Тўймисан — тўй!

... Давра қизғин. Масталаст даврадагилар раққосанинг минг хил хироми, бачкана қилиқларига учиб чўнтагидаги борини қистириб бўлишди. Айниқса, хонадон яқинларининг сахийлиги тутди — куёву божалар дастадаста пулнинг тахини даврада намойишкорона бузиб, раққоса устидан «ёмғир ёғдиришди...»

Ниҳоят, хонадон эгаси «яхши ниятлар билан тузган дастурхонига фотиҳа ўқиш, ёшларга бахт тилаш учун» навбатни хонандага берди. Хонанда виқор билан микрофонни қўлига олиб, энди сўз айтишга чоғланганди... даврада ўтирган йигитлардан бириси шаҳдам қадамлар билан унинг ёнига бориб микрофонни қўлидан олди.

«Ҳурматли фалончи ака! Биласизми, ўтган гал қишлоғимиздаги фалончихоннинг тўйига келганингизда шошилинчда дўппингизни унутиб қолдирган экансиз. Мен эсдаликка олиб қўйганман ва ният қилганманки, келгуси тўйда, албатта, Сизга кийгизаман деб!» У шундай дея ёнидан тахи бузилмаган яп-янги дўппини олиб артистнинг бошига қўндирди. Артист қўшқўллаб миннатдорчилик билдирди.

Унутилган омонатнинг эгасига қайтарилгани яхши. Орамизда қандай оқибатли одамлар бор-а. Кўпчилик шу зайл ўйлагани рост. Аммо.. индалло бошқа ёкда экан...

«Омонат»ни топширган йигит чўнтагидан 100 доллар олди-ю дўппига қистирди ва илтимос қилди «Ака, шу янги дўппига ҳам бир қистирайлик! Ниятимиз шу эди...»

Артист ҳам шуни кутиб тургандай торини қайта қўлига олди. Бошланди. Энди «унутилган» дўппига фақат «кўк»идан қистириш мусобақасига киришилди. Фалончидан қолсам отимни бошқа қўяман, деган шоввозлар бирин-кетин даврага чиқиб намойишкорона тарзда дўппига «кўки»дан қистира бошладилар. Ёнида доллари йўқ (балки бу матоҳни умрида қўлига ушлаб кўрмаганлар) мулзам бўлиб ерга боқишдан бошқа чора тополмадилар.

Ҳофиз яна тағин икки-уч қўшиқ айтди. Дўппи кўм-кўк ҳошияга беланди.

Боягина бошқалар олдида изза бўлмаслик учун бор-будимни қоқлаб берганимдан бу томошага қўшила олмадим. Менга ўхшаб мунғайиб ўтирган ёнимдаги даврадошга дедим: «Бу ёғи энди қанчадан тушди? Пулни қоғоз ўрнида кўра оладиганлар ҳам бор-да...»

Ҳамсуҳбатим қўл силтади ва «сир»ни очди:

«Ҳаммаси тўқилган сценарий. Биринчи марта бўлаётган эдимики, ишонсак. Ўтган тўйда ҳам шу артистнинг дўпписи «унутилган» экан деб кийгизиб, бойваччалар ўзларини майдонга солишган ...»

Кейин суриштириб билсам ҳақиқатан ҳам бу ерда русумга кираётган янги одат шу экан — тўй якунида кимдир «унутилган» дўппи воқеасини эсга солади ва тағин қистир-қистир бошланади. Яна денг — фақат «кўки»дан.

Кимдир «унутилган» дўппи воқеасини айнан шу артист уюштирган деганга ўхшаш гап қилди. Балки ростдир? Рост бўлмаганда ҳам одамларнинг пулини шилиш воситасига айланган «унутилган» дўппи воқеаси замонавий қароқчиликнинг бир кўриниши, холос.

Ҳаммасидан кўра мени «унутилган» дўппини кийиб зўр бериб қайта қўшиқ айтаётган, пул гадосига айланган қўшиқчининг аҳволи ажаблантирди. Ахир тўйма-тўй юрадиган оддий ҳаваскор отарчи эмас... кимсан унвони бор, хийла таниқли хонанда у...

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# Буюк мутафаккир, адабиётимизнинг фахри ва саодати

## Афсонавий қушлар талқини

### АНҚО

*Анқо афсонавий қуш бўлиб, Кўҳи Қофда яшаган эмиш. Баъзи маълумотларга кўра, унинг бўйни жуда узун, ўзи эса баҳайбат бўлган экан. Бу ҳақда Ўзбек Қомусининг 1-жилдида қуйидагиларни ўқиймиз: « Анқо – афсонавий қуш. Қадимий Шарқ халқлари афсона, эртак ва достонларида бош қаҳрамон, ҳомий. У инсонлар кўзига кўринмайди, қаноти, пати олтин, кумуш бўлади, деб таърифланади... Ривоят, эртак ва чўпчакларда Анқо Симурғ ва Ҳумога ҳам ўхшатилади».*

*Қадимий Шарқ манбаларида у ҳақда бир қатор ривоятлар бор. Туркияда нашр этилган «Эски турк адабиётида мазмунлар» номли китобда қуйидаги ривоятлар келтирилган:*

*Рас мамлакати халқининг Ҳанзала ибни Сафван номли бир пайғамбари бор эди. Бу юртда Демҳ деб аталувчи баланд бир тоғ бўлиб, бу тоққа барча қушлардан ҳам катта бир қуш келар эди. Бўйни узун, қанотлари турфа рангда эди. Бу тоғдаги қушларни овлаб кун кечирарди. Бир куни ҳеч қуш овлай олмади, бир ўғил ва бир қиз болани кўтариб кетди. Халқ Ҳанзалага бу ҳақда шикоят қилди. У эса «Ё Раббим, сен бу қушни ва унинг наслини қириб ташла!» - дея дуоибад қилди. Шу заҳоти Анқо устига яшин тушди ва у ёниб нобуд бўлди.*

*Ҳазрати Мусо замонида Жаноби Ҳақ тўрт қанотли, инсон юзли, ниҳоятда гўзал бир жуфт қуш яратди. Аста-секин уларнинг насли кўпайди. Мусонинг вафотидан кейин Ҳижозга, Нажидга кетдилар. У ердаги қушлар ва айрим гўдакларни овлай бошладилар. Мусо даври улуғларидан Холид бин Синоннинг дуоибади туфайли йўқ бўлдилар.*

*Баъзи манбаларда эса Анқо қуши Сулаймон пайғамбарнинг қаҳрига учраб, Қоф тоғига кетганлиги ва бошқа қайтиб келмаганлиги айтилади.*

*Анқо тимсолидан мумтоз адабиётимиз вакиллари унумли фойдаланишган. Алишер Навоий ҳам бундан мустасно эмас. «Лисон ут-тайр», «Ҳайрат ул-аброр», «Лайли ва Мажнун» достонларида, ғазаллардаги турли ўринларда Анқо тимсолига дуч келамиз. Шоир бирор нарсанинг ноёблигини, нодирлигини кўрсатиш учун ана шу образдан фойдаланади. Масалан, «Фавойид ул-кибар» девонида қуйидаги байт бор:*

***Сирри ишқим билмаган эл қолмади, гарчи манга Номабар қуш ўрнига Анқони махрам қилдингиз.***

*Яъни хат ташувчи қуш – кабутар ўрнига Анқони махрам этсангиз ҳам ишқим элга аён бўлди, дейди шоир ва бу билан ўзининг ёлғиз, маҳрам ва яқин бир кимсасиз қолганидан шикоят қилади. Ёки бошқа бир ўринда шундай ёзади:*

***Тилар кўнглум қуши Анқодин ўтса нори юз водий,***
***Мунунгдек сайр этарга Қофдин ортуқ саботим бор.***

*Бугунги кунда жонли сўзлашув тилида, бадиий адабиётда Анқо тимсоли тез-тез учраб туради. Агар бирор нарса камёб бўлса ёки топилмаса: «Эй, Анқонинг уруғи бўлиб кетсин-э!», - деб қўйишади.*

### ХУМО

*Хумо қуши қадимги эртак ва афсоналарда кўп тилга олинади. Уни Жаннат қуши ҳам деб атаганлар. Баъзи ривоятларга кўра, у Чин ороллари яшайдиган ва суякларни еб кун кўрадиган бир қуш бўлиб, кимнинг бошига сояси тушса, ўша одам давлат ва салтанатга эришар экан.*

*Ўзбек эртакларида уни «Бахт қуши» ҳам деб аташади. «Бошига бахт қуши қўнибди» деган иборани бугунги кунда ҳам тез-тез эшитиш мумкин. У кутилмаганда юксак лавозим ёки бирор ютуққа эришган кишига нисбатан мажозий маънода ишлатилади.*

*Табиийки, Навоий ҳам Хумо тимсолидан ўринли фойдаланган. «Тарихи мулуки Ажам» асарида бир ҳукмдорнинг инкирози ҳақида гапириб, шундай ёзади:*

***Анинг даги йиқти фалак поясин,***
***Бошидин айирди Хумо соясин.***

*Ёки «Лисон ут-тайр»да:*

***Чун Хумойи ҳиммати очқай қанот,***
***Юз туман минг халқ топгайлар нажот.***

*Истиқлолдан кейин мамлакатимиз туғросига ҳам Хумо тасвири туширилди. Бу саодатли қуш икки дарё соҳилида жойлашган заминимиз узра қанотларини ёзиб турибди.*

### ҚАҚНУС

*XX аср бошларида Сирожиддин Махдум Сидқий Хондайлиқий томонидан таржима қилиниб, чоп этилган «Ажойиб ул-махлуқот» асарида бир қатор афсонавий қушлар ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Жумладан, Қақнус борасида қуйидагиларни ўқиймиз: Қақнус Ҳиндистон ороллари яшайдиган бир қуш эмиш. У*

*минг йилгача умр кўрар экан. Ўлими яқинлашганини сезса, мотам тутиб, ўтин тўплар, бошқа қушлар унинг атрофида парвона бўлар экан. Сўнгра тўплаган ўтини устига чиқиб сайрар ва қанот қоқар эмиш. Тумшуғидаги беҳисоб тешиклардан сеҳркор оҳанглар янграр экан. Ниҳоят, тумшуғидаги тешиклардан ва қанотидан ўт чиқиб, ўтинга тушар, кўп ўтмай ўзи ҳам кулга айланармиш. Кулдан эса янги тухум ва бу тухумдан ёш Қақнус пайдо бўлар экан. Куй ва арғанун (орган) мусиқа асбоби унинг овозига тақлидан кашф этилган эмиш.*

*Қақнус ҳақидаги ана шу афсонадан кўплаб ижодкорлар фойдаланишган. Алишер Навоий ўзининг «Лисон ут-тайр» асарида бу ҳақда шундай ёзади:*

***Бор эмиш Қақнус деган бир турфа тайр,***
***Ҳинд мулкида анга орому сайр.***
***Шакли матбую тавоно пайкари,***
***Ўзга нақшу ранг бирла ҳар пари.***
***Бул ажаб ҳайъат била минқор анга,***
***Суқбалар минқор аро бисёр анга.***
***Чун чекиб дилкаш навое жонфизо,***
***Фаҳм ўлуб ҳар суқбасидин бир наво...***

*Шундан кейин Қақнуснинг юқорида айтилган барча хусусиятлари тасвир этилади. Шоир девонларидан биридаги мана бу байт ҳам диққатга сазовор:*

***Номам элтур қуш агар мазмунин айтиб қилса шарҳ,***
***Сочқай ўт Қақнус киби, минг чок ўлуб минқор анга.***

*Мазмуни: агар хатимни олиб борган қуш унинг мазмунини айтмоқчи бўлса, Қақнус каби тумшуғи мингга бўлиниб, ўт чиқиб кетар эди (Чунки ундаги сўзлар шу қадар ҳароратли).*

*Европа мамлакатлари ва рус адабиётида бу қуш Феникс деб аталади. У одатда харобалик ва ёнғинлардан кейин қад кўтарган бинолар, шаҳар ва қишлоқлар ҳақида гап кетганда кўчма маънода ишлатилади.*

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ**

## Муборак мактуб

**Навоий бобомиз турли шахсларга ёзган мактубларини келгуси авлодлар учун авайлаб асраганлар, рисола шаклида бизга қолдирганлар. Бу мактубларда шоирнинг ҳақиқий инсон ва аллома ижодкор сифатидаги қиёфаси яққолроқ намоён бўлади.**

**Ҳусайн Бойқаро салтанатининг олий рутба амалдорлари – Амир Хожа Афзалиддин Муҳаммад ва Хожа Шаҳобиддин Убайдуллога насиҳат тариқасида битилган мактуб бунинг ёрқин мисолидир. У ярим аср олдин форс тилидан П.ШАМСИЕВ томонидан таржима қилинган.**

*«Ҳурматли биродар ва суюкли фарзандга!*

*Муштоқлик саломининг адосидан сўнг маълум қиламизки, инсоннинг мартаба ва катталикни севиши табиийдир. Бу ишда нафс ихтиёрсиз ва кишининг сезгиси уни эгаллаш билан шуғулланишни талаб қилади; мансабнинг хосияти ғафлатни орттирувчи ва подшоҳни маст қилувчи илтифоти ҳуш олувчи ва шундай кишига халқнинг иши кўп тушади. Бундай кишининг ҳушёр бўлиши жуда оғир. Агар у гоҳо ақл мадади билан ўзини тута олса-да, бироқ мансаб мастлиги уни ўз ҳолига қўймайди. Ҳақиқатан, шу мастлик чоғида, фалакнинг интиқом олувчилиги, ғаддорлиги ва фалак Холиқининг адолатли ҳоким эканлиги қачон унинг хотирига келади? Орттирган қудрат ва мартабасининг баҳоси йўқ ва умри эса вафосиздир.*

*Унинг ёмонликларидан ёлғиз душманларигина кулиб қўя қолмай, расволигидан дўстлар ҳам шармандадир; ошнолар бу ярамасликлардан мутаассир ва бегоналар бу девоналикдан таажжуб ва ҳайратдадирлар.*

*Хулоса: нафси пок ва ақли соф кимса бу мастликлардан ўзини беҳуш қилмасин ва ўзини ўзбошимчалик ва ўзбилармонликка солмасин. Зулм кўрган дармондаларнинг ҳолига боқсин. Бундай ҳодисалар бу бечора нодоннинг бошидан ўтган ва буларнинг ҳеч бири шундай аҳволдан огоҳ ва бахраманд бўлмаган. Қачонки, ўз камчиликларидан огоҳ бўлса, нима фойдаки, фалак у варақларни буклаб қўйган бўлади. Бу ҳолда надомат оҳлари тортишдан фойда кўринмайди. Ҳасрат ёшлари тўкишдан натижа чиқмайди.*

*Байт:*

***То тавонистам надонистам чи суд,***
***Чун бидонистам тавонистам набуд.***

*(Қудратим борлигида манфаат нимада эканини билмадим, биладиган бўлганимда қудратим қолмади)...*

***Турку Ажаму Арабда айём***
***Ҳар шоира вермиш ком.***
***Ўлмишда Навоий сухандон —***
***Манзури шаҳаншоҳи Ҳуросон.***

**ФУЗУЛИЙ**

✧✧✧

***Сўз ичра Навоийки жаҳонгиртурур,***
***Мунисга маоний йўлида пиртурур.***

**МУНИС**

✧✧✧

***Фузулий, Шамсий, Сайқалий,***
***Навоий, Саъдий, Фирдавсий,***
***Хожа Ҳофиз — бу ҳаммаси***
***Мадат бер я шағири фарияд.***

**АБАЙ**

## Бобомизнинг номи барҳаёт

***Навоий вилояти*** *1982 йил 6 апрелда ташкил топган. 1992 йил 24 январда қайта ташкил қилинди. 2001 йил Навоий шаҳрида бобокалонимиз Алишер Навоийнинг бўйи 9,35 метр, оғирлиги 17 тонна бўлган улкан ҳайкали ўрнатилди. Унинг муаллифи ҳайкалтарош А.Раҳматуллаев.*

✧✧✧

***Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети*** *1927 йили ташкил этилган. Университетга 1941 йили шоирнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан Алишер Навоий номи берилган.*

✧✧✧

***Алишер Навоий номидаги Давлат стипендияси*** *1993 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан таъсис этилган. Шу кунгача республика олий ўқув юртлари талабаларининг етти юзга яқини ушбу номдор стипендияни олишга муяссар бўлди. Стипендия совриндорлари аспирантурага имтиҳонсиз қабул қилинадилар.*

✧✧✧

***Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик катта театри*** *1947 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Худди шу йилдан буюк ўзбек шоири Алишер Навоий номи билан аталади.*

✧✧✧

***Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти*** *1934 йилда ташкил қилинган. 1991 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан институтга шоир номи берилди.*

✧✧✧

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси*** *1870 йилда очилган бўлиб унга 1948 йилда Алишер Навоий номи берилган.*

✧✧✧

***Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи*** *1967 йилда шоирнинг 525 йиллик юбилейи муносабати билан қурилиши бошланган. 1968 йил сентябрда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи сифатида иш бошлаган.*

✧✧✧

***Алишер Навоийнинг мукаммал асарлари тўплами*** *1987 йилдан чиқа бошлаган. Ҳозиргача унинг 19 жилди ўқувчилар қўлига етиб борди. Айни кунларда охирги – 20-жилдини тайёрлаш устида қизғин иш олиб борилмоқда.*

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ тайёрлади**

XORIJDA

## Ўқитувчилар иш ташлашди

*Россиянинг Киров вилояти ўқитувчилари душанбадан эътиборан иш ташлашган.*

*Вилоят халқ таълими департаменти директори Анатолий Чуриннинг хабар беришича, 16,8 минг ўқитувчини ўзига бириктирган 811 та ўқув муассасасининг ходимлари бу акцияда қатнашмоқда. Вилоятда ҳаммаси бўлиб 2,5 мингта мактаб бор.*

*«Новости» ахборот агентлиги берган маълумотга кўра, улар уч ойлик маошларини талаб қилмоқдалар. Маълум бўлишича, ҳукумат ўқитувчилардан 2002 йил ноябрь учун 15 миллион 734 минг, декабрь учун эса 106 миллион рубль қарзи бор.*

**● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ**

## Текширув давом этади

*Аввал хабар берганимиздек, 5 февраль куни БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида Ироқ муаммосига бағишланган йиғин бўлиб ўтди. Унда БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ва бошқа масъул кишилар қатнашдилар. Асосий маърузачи АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл бўлди. У ўзининг бир ярим соат давомида қилган маърузасида Ироқ заҳарли газларни қаерда синтез қилаётганлиги, Ироқ ракеталари қаерларгача учиб бора олиши, Президент Саддам Ҳусайн террорчи Усама бин Лодин билан қандай боғлиқлиги ва ҳоказо масалалар борасидаги маълумотларни ошкор этди. Барча йиғилган маълумотлар Жорж Тенет бошчилигидаги Марказий разведка бошқармаси вакиллари томонидан тавсия этилгандир.*

*Маърузада шу нарса таъкидландики, Ироқ юқори мустаҳкамликдаги алюмин қувурларини, иридий (кимёвий элемент, эриши қийин кул ранг оғир металл), кучли магнитлар ва марказдан қочирма куч таъсирида қоришмани механик равишда ажратувчи аппарат (центрифуг)ларни олишга бир неча марта уринган. Номлари қайд этилган бу маҳсулот ва моддалар ядро ёнилғисини бойитиш учун хизмат қилади. Демак, «Саддам Ҳусайн ядро бомбаси ишлаб чиқариш учун керак бўлган учта компонентдан иккитасига эгадир» деди Колин Пауэлл.*

*Баллистик ракеталар борасида шуни маълум қилдики, охирги йилларда Ироқ уларнинг айримларини аввалгига қараганда икки баробар кучли бўлган двигателлар билан таъминлаган. Улар эндиликда 1200 километргача учиб бора олади.*

*Маърузанинг кимёвий ва биологик қуроллар борасидаги қисмида МРБ ходимлари томонидан олинган фотосуратлар ҳам намойиш этилди. Уларда халқаро инспекторлар Ироққа келишидан аввал Ироқдаги завод ва лабораториялар атрофида бульдозер ва юк машиналарига нималардир ортилаётганлиги тасвирланган эди.*

*Колин Пауэлл мажлисда қатнашган БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатлар вакиллари ва бошқа барча иштирокчиларга Ироқ муаммоси билан боғлиқ бир қанча фотосуратлар, чизмалар ва бошқа тасвирли кадрларни намойиш этди, дейилади Интернетнинг «Газета.RU» сайтидаги ахборотда.*

*Маърузанинг якунида Пауэлл хулоса қилдики, Ироқ БМТнинг халқаро инспекторлари билан ҳамкорликни йўлга қўймаса ва БМТнинг 1441-резолюцияси шартларини бажармаса, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг кейинги ҳафта, аниқроғи, 14 февралда бўладиган йиғинида бу тасдиқланса, АҚШнинг Ироққа қарши, тўғрироғи, Саддам Ҳусайн тузумига қарши ҳарбий операция ўтказишдан бошқа чораси қолмаслигини айтди.*

*Колин Пауэлл маърузаси бўйича нафақат мажлисда қатнашганлар, балки дунё жамоатчилиги муносабат билдирмоқда.*

*Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов йиғилишда сўзга чиқиб, АҚШ давлат котибининг маърузасида келтирилган фактлар БМТ инспекторлари томонидан жойларда текширилиши лозимлигини айтди. Шунингдек, Германия ҳам Франция ҳукумати сингари Ироқдаги текширувларни кучайтиришни, текширув муддати узайтирилишини таклиф қилдилар. Эндиги текширувлар шу маърузада айтилган фактлар асосида олиб борилиши лозимлигини уқтирдилар, дея хабар беради Reuters агентлиги.*

*Халқаро атом энергияси агентлиги бошлиғи Ал-Барадейнинг баёнот беришича, Ироқ БМТ инспекторлари билан етарли даражада ҳамкорликни йўлга қўймаётирлар. Шу важдан у ва БМТнинг Ироқдаги инспекторлари раҳбари Ханс Бликс Бағдодни ўзаро жипслашган ҳамкорликка чақирди.*

*Шунингдек, БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳам хавфсизлик кенгашига аъзо давлатлар вакиллари олдида сўзга чиқар экан, Ханс Бликс ва Муҳаммад ал-Барадей билан бирга якшанба куни Бағдодга бориб, музокаралар бошлашга тайёр эканлигини билдирди.*

*Ироқ муаммоси атрофидаги воқеалар ривожи яна шуни кўрсатмоқдаки, Буюк Британия Ироқ яқинидаги ҳудудларда ўзининг авиация гуруҳларини янада кучайтиришга киришди. Мамлакат мудофаа вазири Жеф Хуннинг таъкидлашича, яқин кунларда ҳудудга яна қўшимча кучлар ташланади ва самолётлар сони тахминан 100 тага етказилади. Puma ва Chinook вертолётлари эса 27 тани ташкил этади.*

*Яна бир гап. Туркия бош вазири Абдулла Гул Туркия қўшинлари Ироққа қарши ҳарбий операцияларда иштирок этмаслигини маълум қилди. АҚШнинг Туркия ҳарбий базаларидан фойдаланиш масаласини эса мамлакат парламенти ҳал этади, деди у. Бош вазирнинг айтишича, Туркия қўшинлари ҳозирги кунда Ироқнинг шимолий томонидаги ҳудудларда жойлашган. Бундан мақсад шуки, Ироқ билан чегарадош ҳудудларни қўриқлаш ва қочоқлар оқимининг Туркияга кириб келишига тўсиқ бўлиш.*

*Қисқаси, Ироқ масаласи бўйича кейинги гапни 14 февралда халқаро инспекторларнинг текширув ҳисоботига бағишланган БМТ Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида эшитамиз.*

**Алимқул СУЛТОН**


## «BESH YOG'OCH UNIVERSAL BOZORI» ОАЖ акциядорлари диққатига!

«BESH YOG'OCH UNIVERSAL BOZORI» ОАЖ акциядорларининг навбатдаги умумий мажлис йиғилиши 2003 йил 15 март куни соат 15.00 да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Чилонзор тумани, Туроб Тўла кўчаси, 71-уй.

Акциядорлар ёки уларнинг вакилларида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки ишончномалари бўлиши керак.

Кузатув Кенгашининг қарорига биноан кун тартибига қуйидаги масалалар таклиф қилинади:

1. «Беш Ёғоч универсал бозори» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
9. Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш.

**«BESH YOG'OCH UNIVERSAL BOZORI» ОАЖ баланс қиймати кўрсаткичлари:**

| АКТИВ | (МИНГ СЎМ) | ПАССИВ | (МИНГ СЎМ) |
|---|---|---|---|
| 1. Асосий воситалар | 10791,6 | 1. Устав фонди | 5200,0 |
| 2. Капитал қўйилмалар | 215665,4 | 2. Заҳира | 234924,3 |
| 3. Айланма активлар | 16693,2 | 3. Тақсимланган фойда | 4737,6 |
| 4. Дебиторлар | 7588,4 | 4. Кредиторлар | 5876,7 |
| **Жами** | **250738,6** | | **250738,6** |

## ОАО «ЭЛЕКТР-УСКУНА СОЗЛАШ»

*объявляет о проведении общего собрания акционеров 12 марта 2003 года в 11 часов по адресу: город Ташкент, Сергелийский район, ул.Джун арык, дом 27А.*

*ПОВЕСТКА ДНЯ:*

*1. Об итогах работы ОАО «Электр-ускуна созлаш» за 2002 год.*

*2. Утверждение:*

*а) бухгалтерского баланса;*
*б) акта ревизионной комиссии;*
*в) заключение аудитора;*
*г) размеров годовых дивидендов;*
*д) разное.*

*Справки по телефону: 101-82-62.*

***Наблюдательный совет***

*БАЛАНС ОАО «Электр-ускуна созлаш» на 1.01.2003г.*

| № | Наименование статей | Сальдо, тыс.сум | |
|---|---|---|---|
| | | Актив | Пассив |
| 1 | Основные средства и прочие внеоборотные средства | 631 | |
| 2 | Производственные запасы и затраты | 17362 | |
| 3 | Расчеты с дебиторами | 179 | |
| 4 | Уставной фонд и прочие источники собственных средств | | 9426 |
| 5 | Авансы полученные | | 800 |
| 6 | Расчеты с кредиторами | | 7946 |
| | **БАЛАНС** | **18172** | **18172** |

Достоверность баланса подтверждается частной аудиторской фирмой «ИЛ-САН» АУДИТ, лицензия №00082 от 20.06.2001г.

# Сержило тафаккур дурдоналаридан*

**ҚАДИМГИ (МИЛОДДАН АВВАЛГИ МИНГ ЙИЛЛИКЛАРДАГИ) МИСР АДАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ ҲИКМАТЛАРИДАН:**

- Тақдир башоратлари худоларгагина аёндир.
- Эртанги кунга, ҳали у келмагунича, умид боғлама, негаки, у куннинг қандай мусибатлар олиб келишини ҳеч ким билмайди.
- Ким ҳаддан ташқари узоқни кўрса, қалбан нотинчдир.
- Ёдда тут: мана шу ҳаётнинггина баҳоси бор!
- Мамлакат осойишталиги — адолатда.
- Ҳақиқат, эртами ёки кечми, барибир, юзага чиқади, ёлғон эса йўқ бўлади.
- Ким тўр қўйса, унга ўзи тушади; ким чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади; ким қилич чархласа, ўзи қиличдан ҳалок бўлади.
- Шикоятчи қандайин бебахт! Арзгўй бўлиш бебахтнинг қисматидир.
- Дўстларни йўқотмаслик учун уларни кечирмоқ лозим.
- Одам бошқалар билан қандай муомала қилса, унинг билан шундай муомала қил.
- Сенга нимаики демасинлар, ҳеч ким билан, худди унинг сен билан сўзлашишга ҳақи йўқдай, гаплашма.
- Сенга яхшилик қилган кишидан миннатдор бўлмоқ лозим.
- Ким ўлдирса, ўзи ҳам ўлдирилади. Ким ўлдиришга амр қилса, ўзи ҳам амр билан ўлдирилади.
- Чинакам улкан одамнинг очкўз бўлиши мумкин эмас.

**ҚАДИМГИ (МИЛОДДАН АВВАЛГИ МИНГ ЙИЛЛИКЛАРДАГИ) ҲИНДИСТОН МАСАЛЛАРИ, ДОСТОНЛАРИ, РИСОЛАЛАРИ ҲИКМАТЛАРИДАН:**

- Фақат қораланишгагина ёки фақат мақталишгагина лойиқ одам бўлмаган, йўқ ва бўлмайди.
- Ким барча мавжудотларда ўзини ва ўзида — барча мавжудотларни кўрса, ўша олий салтанатга эришади.
- Бойлик ва доимий соғлик, дўст ва ширинсухан хотин, итоаткор ўғил ва фойдали билим — мана, бу дунёдаги олтита неъмат.
- Дўст, хотин, хизматкор ва ботирлик кулфатда билинади.
- Дўст — кулфатда, ботир — жангда, виждонли — қарзни тўлашда, хотин — камбағаллиқда, қариндошлар — оғирчиликда билинади.
- Кимнинг қалби на илмларга, на жангларга, на аёлларга интилмаса, у ёруғ дунёга, онасининг ёшлигини ўғирлаб, беҳуда келибди.
- Агар бахтсизлик келтирадиган бўлса, ҳақиқат тўғрисида ҳам чурқ этмаслик лозим.
- Тақдир бизга ато қилган нарсани тўшакда ётиб ҳам оламиз. Бизга у ҳукм қилмаган нарсани, қанчалик куч сарфламайлик, — ололмаймиз.
- Ўз умидларининг қули — ҳамма одамларнинг қули, ўз умидларининг ҳукмдори — бутун олам ҳукмдори.
- Ҳаққоний ва ёқимлини гапир; ҳаққоний, аммо, ёқимсизни гапирма; ёқимли, аммо, ҳаққоний эмасни гапирма — мана азалий қатъий қоида.
- Нима мумкин бўлмаса, ўша мумкин эмас; нима мумкин бўлса, ўша мумкин. Арава сув юзида юрмайди, кема қуруқликда сузмайди.
- Оқибати ҳақида ўйламай, бурчингни адо эт; бу сенга бахт келтирадими ёки бебахтлик, бурчингни адо эт.
- Ким ўз бурчини, хурсанд бўлмай ва қайғуга тушмай, хотиржам адо этса, ҳар қандай оқибатларни қарши олса, ўша, дарҳақиқат, қалбан улкандир.
- Ёт бурчни яхши адо этгандан, ўз бурчини ёмон адо этиш яхшироқ.
- Танамиз, бугун бўлмаса, эртага ғам-ғусса ва касалликлар орасида ҳалок бўлади. Унинг учун бурчга хиёнат қилишдан на фойда?
- Ким шерга ўхшаб меҳнат қилса, бахт маъбудаси ўшани йўқлайди: "ҳамма нарса тақдирдан!" Мардонавор ишлар билан тақдирни енг; агар сенинг тиришишларинг муваффақият қозонмаса, бунда сенинг айбинг йўқ!
- Арава битта ғилдиракда юрмайди, одамларнинг ғайратларисиз тақдир амалга ошмайди.
- Аёллар табиатдан билимдондирлар, эркаклар — китобдан.
- Нодонлик тўсиғига тенг келадиган тўсиқ йўқ.
- Тинчлик ва меҳнат — фаровонлик манбаи.
- Ақлсиз одамга илмдан на фойда? Кўзи ожиз кишига кўзгудан қандай наф бор?
- Одамнинг безаги — донолик, доноликнинг безаги — осойишталик, осойишталикнинг безаги — жасурлик, жасурликнинг безаги — мулойимлик.
- Аҳмоққа маслаҳат бериш — уни фақат ғазаблантиришдир.
- Ҳеч қандай ишга киришма — мана доноликнинг биринчи белгиси. Ишга киришганингдан кейин уни охирига етказ — мана доноликнинг иккинчи белгиси.
- Агар сен доно бўлсанг, бойга, ҳукмдорга, ёш болага, кекса кишига, дарвешга, донишмандга, аёл кишига, тентакка ва устозга эътироз билдирма.
- Бошқаларга маслаҳат беришга келганда, ҳар бир киши — ҳикматлар хазинаси. Ўзининг ушбу маслаҳатларга риоя этишига келганда, донишманд ҳам тентакдан ақллироқ эмас.
- Донолар вақтни назмга ва илмларга сарфлайдилар, нодонлар — бузуқчиликларга, уйқуга ва жанжалларга.
- Ҳамма нарсанинг давоси бор — нодонликнинггина давоси йўқ.

*(Давоми келгуси сонда.)*

**Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

**Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрь сонидан бошлаб берилмоқда.*

КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

# 38 йилдан сўнг...



Ҳаёт турфа мўъжизаларга бой. Гоҳо тақдирнинг бешафқат синовларига бардош беришга тўғри келса, гоҳо унинг қувончу шодликларига ҳамдусанолар ўқийсан киши.

Ўтган 2002 йил деновлик тиббиёт ходимаси Гулчеҳра Мирзаева ва унинг доялигида туғилган Ҳасан-Ҳусан Турсуновлар учун кутилмаган қувонч келтирди.

— 1965 йилнинг қаҳратон қиши (декабрь ойи) эди, — деб хотирлайди Гулчеҳра опа. — Туманимизнинг Ислом Тўраев номли ширкат хўжалигидаги туғуруқхонада ишлардим. Бир куни туғуруқхонамиз тарихида илк бор Ҳасан-Ҳусан эгизаклар дунёга келишди. Уларни олиб суратга тушдим. Сурат 1965 йилнинг 5 январь куни «Чағаниён» (собиқ «Ғалаба учун») туман газетасида чоп этилди...

...Орадан 38 йил ўтди. Газета тахламидаги ушбу сурат журналист Зарифжон Хидировнинг беихтиёр диққатини тортди ва Гулчеҳра Мирзаевани излаб топди.

— Э-ҳа, уларми?, — эслади опа. — Ҳасан-Ҳусан Турсуновлар... Қаранг-а, ўзимнинг ҳам хаёлимдан кўтарилиб кетибди.

Умр дегани киприк қоққунча ўтиб, йиллар секин-аста ўз ўрнини асрларга бўшатиб бераверарканда-а... Салкам 40 йил-а?! Уларни топса бўлади, топамиз...

Кўп ўтмай доя опа хонадонида катта тантана бўлди. Ўша куни бу ерга Ҳасан ва Ҳусан ўз қаллиқлари, бола-чақалари билан келишди. Опанинг олти фарзанди ва турмуш ўртоғи Равшан ака Мирзаев уларга мезбон бўлишди.

... Кутилмаган учрашув, кутилмаган шодлик... Тоғ-тоғ билан эмас, одам-одам билан учрашади, деганлари шу бўлса керак.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

✧✧✧

***Суратларда:*** *Гулчеҳра Мирзаева эгизаклар — Ҳасан-Ҳусан Турсуновлар билан (1965 йил, декабрь); у яна Ҳасан-Ҳусанлар қуршовида (2002 йил, декабрь).*


## «ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 107-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

**Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.**

**1 Тур**
27
46
28
45
19
61
90
Сони: 1
Видеомагнитофон
Чипта рақами
30086587.2

**2 Тур**
12
33
85
75
4
86
25
84

81
73
32
23
89
14
20
44
16
15
42
29
21
83
13
80
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
90103224.1

**3 Тур**
47

79
7
74
63
22
34
58
51
5
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
80125583.1

**4 Тур**
71
54
48
49
37
78

57
26
70
43
69
60
39
87
82
10
35
50
66
36
18
Сони: 2
Сумма: 2000000
Чипталар рақами
30022437.1
50105329.3

**5 Тур**
56
17
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
10125312.1
20024756.2
70049251.2

**6 Тур**
64
Сони: 3
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
30114923.1
70001011.2
80058326.3

**7 Тур**
11

Сони: 3
Сумма: 5000

**8 Тур**
31
Сони: 3
Сумма: 4000

**9 Тур**
41
Сони: 6
Сумма: 3000

**10 Тур**
1
Сони: 9
Сумма: 2000

**11 Тур**
30
Сони: 5
Сумма: 1500

**12 Тур**
59
Сони: 9
Сумма: 1200

**13 Тур**
6
Сони: 11
Сумма: 1000

**14 Тур**
77
Сони: 14
Сумма: 900

**15 Тур**
40
Сони: 25
Сумма: 800

**16 Тур**
88
Сони: 52
Сумма: 700

**17 Тур**
52
Сони: 111
Сумма: 600

**18 Тур**
65
Сони: 190
Сумма: 500

**19 Тур**
38
Сони: 229
Сумма: 400

**20 Тур**
55
Сони: 405
Сумма: 300

**21 Тур**
8
Сони: 1031
Сумма: 200

**22 Тур**
24
Сони: 1072
Сумма: 100

**23 Тур**
68
Сони: 2191
Сумма: 100

**24 Тур**
9
Сони: 3840
Сумма: 100

**25 Тур**
53
Сони: 4834
Сумма: 100

**Қўшимча тур**
Сони: 131
Сумма: 300

**Халтадан чиқмаган шарлар:**
2,
3,
62,
67,
72,
76

## "Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 27 февралдаги 110- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

Ва қўшимча пул ютуқлари

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта қўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.*


ТЕННИС

# Жакартадаги ғалаба такрорланадими?

**Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида Дэвис кубоги мусобақаларининг жаҳон лигасига йўлланма берувчи Осиё-Океания минтақаси саралаш гуруҳидаги Ўзбекистон — Индонезия теннисчилари ўртасида учрашувлар бошланди.**





*Дунёнинг турли давлатлари терма жамоалари иштирок этадиган мазкур мусобақа бир юз тўрт йилдан бери мунтазам ўтказиб келинмоқда. Унда ҳар йили жаҳоннинг энг кучли жамоалари иштирок этишади. Шу боис ҳам бу мусобақа нуфузи жиҳатидан норасмий жаҳон чемпионати сифатида тилга олинади.*

*Юртимиз теннисчилари Дэвис кубоги беллашувларида 1994 йилдан бошлаб қатнашиб келишмоқда. Тўрт йилдан буён эса жаҳон лигасига чиқиш учун мунтазам баҳс юритишяпти. Бу йил жаҳоннинг кучли йигирма терма жамоаси қаторига кириш учун Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳида бир йўла саккиз давлат теннисчилари даъвогарлик қилишаётир. Улар Япония, Ўзбекистон, Жанубий Корея, Индонезия, Ҳиндистон, Янги Зеландия, Покистон ва Таиланд терма жамоаларидир. Қурғага кўра, дастлабки босқичда ҳамюртларимиз Индонезия теннисчиларига қарши кортга чиқадиган бўлишди.*

*Ўзбекистон терма жамоаси бундан роппа-роса икки йил муқаддам айнан шу нуфузли мусобақада индонезияликлар билан юзма-юз келишган. Ўшанда Жакартада уюштирилган баҳсда теннисчиларимизга омад кулиб боққанди — 3:2. Бу йилги баҳсларда ҳам терма жамоамиз асоси сақлаб қолинди. Таркибга мутахассислар Олег Огородов, Вадим Куценколардан ташқари, бир қатор ёшларни ҳам жалб этишди. Улар Мурод Иноятов, Сарвар Икромовлардир. Сардорлик боғичини эса Абдуҳамид Маҳкамов таққан.*

*Мусобақа олдидан пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида матбуот анжумани ўтказилди. Унда одатдагидек, мусобақага қурға ташланди. Қурғага кўра, мусобақанинг дастлабки кунида яккалик баҳслари ўтказилди. Кеча ўтказилган илк учрашувларда Огородов — Хондайо, Куценко — Видхиянтолар ғолиблик учун кортга чиқишди. Бугун эса Куценко(Огородов ва Сувандий)Хондайо жуфтлиги куч синашади. Ҳал қилувчи баҳслар эртага Куценко — Хондайо, Огородов — Хантолар ўртасида кечади. Терма жамоа капитани Абдуҳамид Маҳкамовнинг фикрича, агар вакилларимиз дастлабки уч учрашувни ўз фойдаларига ҳал этишса, сўнгги икки ўйинда ёшларимиз Мурод Иноятов, Сарвар Икромовлар тажрибали ракеткачиларимиз ўрнига кортларда ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Энг муҳими, теннисчиларимиз баҳсларни аъло кайфиятда бошлашди. Бу эса роппа-роса икки йил муқаддам Жакартада қозонилган ғалабанинг такрорланишига замин яратиши шубҳасиз.*

*Гуруҳдаги қолган уч учрашув Ҳиндистон — Япония, Янги Зеландия — Покистон, Жанубий Корея — Таиланд терма жамоалари ўртасида ўтказилади. Агар ракеткачиларимиз ушбу босқични ғалаба билан якунлашса, кейинги ўйинда Жанубий Корея — Таиланд жамоалари учрашуви ғолиби билан куч синашадилар.*

*Навбатдаги босқич баҳслари шу йилнинг 4-6 апрель кунлари ўтказилиши мўлжалланган.*

**Эркин ХОЛБОБО**

ИНТЕР-СПОРТ

## ҲОЗИРЧА ТЕНГИ ЙЎҚ ШОҲМОТЧИ

*Венгриялик моҳир шоҳмотчи Юдит Полгарнинг мулоҳазасига қараганда, яқин икки йил мобайнида аёллар ўртасида унга тенглашадиган рақиб топилмас экан. Айни пайтда бу шоҳмотчи ўз маҳоратини такомиллаштириш учун тинмай изланмоқда. Умуман, Юдит шоҳмот оламида қандай ютуқлар бўлса, барини қўлга киритган спортчилардан биридир. Лекин бу шоҳмотчи эркаклар ўртасида жаҳон чемпиони билан дона суриш фикридан йироқ. Унинг бирдан-бир орзуси Венгрия терма жамоасининг Олимпия турнирида ғалаба қозониш.*

## БУ ГАЛ ОМАДИ ЧОПМАДИ

*Италиянинг Милан шаҳрида мукофот жамғармаси 380 минг евро қилиб белгиланган йирик халқаро турнир давом этмоқда. Бу мусобақада мухлисларга яхши таниш Евгений Кафельников кутилмаганда имкониятни бой берди. У ҳал қилувчи учрашувни голландиялик Мартин Веркерк билан ўтказиб, 6:4, 5:7, 7:5 ҳисобида ютқазиб қўйди. Рақиби эса биринчи марта финалга чиқишга имкон топди.*

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба қўмитаси ташкилоти фтизиатрия кафедрасининг мудири Д.З.Мухторовга онаси

**Муҳтабар МУХТОРОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Диққат, диққат, диққат!**

**Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 3,5,35,41-моддаларига асосан (Банкротликка оид иш юритиш тўғрисида) қуйидаги:**

1. Бойсун туман «Ишонч» ҳиссадорлик жамияти
2. Термиз шаҳар «Сурхонбалиқ» корхонаси
3. Термиз шаҳар «Иссиқлик манбаи» корхонаси
4. Музрабод туман «Янгиобод ичимлик суви ишлаб чиқариш» корхонаси
5. Узун туман «Темирбетон» ишлаб чиқариш корхонаси
6. Олтинсой туман «13-автокорхона»си
7. Шеробод туман «Олға» масъулияти чекланган жамияти
8. Қумқўрғон туман «Сурхон» комбинати
9. Сариосиё туман «Темирбетон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти корхоналарининг раҳбарлари ва ушбу корхоналар кредиторлари вилоят Иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси биносида 2003 йил 10 февраль куни соат 9.00 да ўтказиладиган биринчи кредиторлар йиғилишига ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Юқорида қайд этилган корхоналарнинг кредиторлари йиғилишга ўзаро қарздорлик тўғрисидаги солиштирма далолатнома нусхасини тақдим этишлари лозим.

***Бизнинг манзил: Термиз шаҳар, Ф. Хўжаев кўчаси, 17-уй. Мурожаат учун телефонлар: 3-60-29, 3-53-83.***


BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 066

16275 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA